

МУЗЕЙДА ЯШИРИНГАН МОЗИЙ

М. Абдурахмонова
Музейшунослик мутахассислиги
2-курс магистр

Музей бағрида ошкор этилишини кутиб ётган мозийнинг мунгли садоси бугун санъатшунослар диққат эътиборида. Бағрида не-не сир синоатлару тарих сарҳадларини жимгина ўзида сир тутган Ўзбекистон Давлат санъат музейи бугун томошабинларга бутун дунё санъати, маданияти тарихи ҳақида маълумот бериб келмоқда.

Ўзбекистон Давлат санъат музейи Марказий Осиё ҳудудида ягона ҳисобланади. Музей 1918 йилда ташкил топган. У ерда рус, Ғарбий европа, Шарқ мамлакатларининг санъати ҳамда Ўзбекистон халқ декоратив, амалий ва тасвирий санъати, шунингдек қардош республикалар санъатига оид 50 мингдан зиёд намуналар сақланади.

XX аср 30-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб, асосий эътибор музейни миллий санъат асарлари билан тўлдиришга қаратилди. Музей кўп йиллар у бинодан бу бинога кўчиб юрган бўлса ҳам, кўпгина асарлар тўпланди ва қатор илмий ишлар олиб борилди. 1974 йилнинг 30 апрелида музей янги биносининг тантанали очилиш маросими бўлди ва биринчи марта ўз коллекциясини тўлиқ намойиш этишга муваффақ бўлди.

Музейда энг аввал рус ва Ғарбий Европа санъати бўлимлари ташкил қилинди. Ҳозирда XV асрга оид рус иконаларидан тортиб XV-XIX асрларда яратилган санъат асарлари, Д. Левицкий, К.Гун, В.Перов, И.Шишкин, И.Репин, В.Суриков, И.Айвазовский каби атоқли мусаввирларнинг картиналари сақланади. Шу билан бирга XVIII аср охири XIX асрнинг бошига оид ноёб ҳайкалтарошлик коллекцияси музей экспозициясини безаб туради. Ўзбекистон Давлат санъат музейи Ўрта Осиёда рус авангардистлари картиналари сақланадиган ягона музейдир. Авангард йўналишининг йирик намоёндалари В.Кандинский, А.Экстер, В.Лентулов, П.Кузнецов, А.Явлинский, Г.Стенберг, А.Осьмёркин, В.Марковларнинг картиналари

музей экспозициясидан ўрин олган. Бундан ташқари музей экспозициясида Ғарбий Европа мамлакатлари тасвирий санъати, хусусан, италиялик, испаниялик, германиялик, нидерландиялик, голландиялик, франциялик ва англиялик ижодкорлар асарлари мисолида намойиш қилинади. Пьетра дела Веккио, Ван дер Мейлен, Христина Робертсон, Антонио Канова, Томазо Солари, Эмилио Цокки, Жованни марио Бенциони каби номлари санъат шинавандаларига яхши таниш ижодкорлар асарларидан иборат коллекциялар музей экспозициясини безаб туради.

Музей учун ташкил қилинган илмий экспедиция Ўзбекистон халқ санъатининг ажойиб коллекциясини йиғиш имкониятига эга бўлди ва музейда Ўзбекистон тасвирий ва халқ амалий санъати бўлимлари ташкил қилинди. Ўзбекистон тасвирий санъат бўлимида 1930 йилдан то бугунги кунгача бўлган даврларда яратилган миллий рангтасвир асарлари мавжуд.

1930 йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўзбекистонда илк ўзбек рассомлари ижод қила бошлади. 30-йилларнинг охирида миллий рассомларнинг дастлабки авлоди етишиб чиқди. Булар Б.Ҳамдамов, С.Абдуллаев, Ш.Ҳасанова, Л.Насриддинов, Х.Рахимов, А.Розиқовлардир. А.Абдуллаев портретчи рассом, Ч.Ахмаров эса монументал санъат соҳасида сермахсул ижод қилди ва шарқона асарлар яратди. Р.Тимуров манзаралари, З.Иноғомов картиналари ўз лиризми билан ажралиб туради. Ўзбекистон тасвирий санъатининг ўзига хос бўлишига ва ривожига Р.Ахмедов, Н.Қўзибоев, М.Саидов, Т.Огонесов, В.Зеликов, Ю.Елизаров, В.Жмакин, В.Соседов, В.Ковинин, С.Абдуллаев ва бошқалар ўз ижоди билан катта ҳисса қўшганлар. Булардан кейинги авлод вакиллари Р.Чориев, Б.Бобоев, А.Перов, В.Бурмакин, Л.Салимжонова, Ю. Талдикин, А.Зорькин, Г.Улько ва бошқалар ўз картиналарида кўпинча замондошларини тасвирлашган. Ўзбекистон Давлат Санъат музейида миллий рангтасвир коллекциясининг шаклланишига улкан ҳисса қўшган ушбу рассомлар ижоди экспозицияларда ҳам намойишга қўйилган.

Ўтган асрнинг 1920-йилларидан то 1990-йилларгача яратилган, аммо музей экспозицияларида намоёишга қўйилмаган ва илмий адабиётларда чоп қилинмаган, кам ўрганилган Ўзбекистон Давлат Санъат музей фондларида сақланаётган тасвирий санъат асарлари бугунги кун санъат ихлосмандлари учун қизиқарлидир. Ушбу асарлар Ўзбекистон миллий рассомлик мактаби асосчиларининг асарларидир. Булар эса ҳозирда музей экспозициясида камдан кам ҳоллардагина кўриниб қолади.

Бугун музейга ташриф буюрган томошабин, ўз замонасини акс эттирган, яъни ўша замоннинг талаб эҳтиёжларини ифода қилган, замон кўзгуси билан юзма юз келади. Санъатшунос Бенедетто Крочини фикрича, “Санъат интеллектуал салоҳият тузилмасига амал қилмайди, балки лаҳзалик эътиборни умумлаштиради холос”¹. Бу борада музей бадиий тилининг ўзига хос томонларидан фойдаланиш, ижтимоий - маънавий томонларига алоҳида эътибор қаратишни талаб қилади. Томошабиннинг қабул қилиш даражасидан келиб чиқиб бадиий таъсирчанликка алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Маълумки, ҳар қандай мамлакатда ва ҳар қайси даврда миллатнинг буюкликка эришиши учун аввало ўсиб келаётган ёшлар маънавиятини юксалтиришга муҳим эътибор берилади. Бугунги кунда мустақил Ўзбекистонимизда ёш авлодни тўғри тарбиялаш, санъат ва бадиий ижод орқали уларнинг маънавий дунёсини шакллантириш муҳим вазифалардан биридир.

Тасвирий санъат асарларини асраш, халққа етказиш, тарғиб этишда музейларнинг роли ва аҳамияти беқиёсдир. Музей нафақат экспонат ёки буюмларни тўплаш, сақлаш, намоёиш этиш билан шуғулланади, шу билан бирга у маданий ҳордиқ чиқариш ва маънавий озуқа олишга ёрдам берувчи ҳамда таълим тарбияга чорловчи илмий маскан ҳамдир. Ўзбек миллий рангтасвири тарихини ўзида жамлаган замонавий санъат музейини ташкил этиш, улар асосида тез-тез кўргазмалар уюштириб туриш лозим.

¹Кроче Б. Краткое изложения эстетики. Аннотация сочинения по философии.- СПб.: Пневма, 1999.-С.401.